



**Томи кетган Рим ҳукмдорлари:
Калигула, Нерон ва Гелиогабал**

TAVORIX
ISLAMONLINE.UZ

Ҳокимият чўккисидаги инсонлар доимо жамоатчиликнинг диққат марказида бўлишган. Улар ўз нуксонлари ёки фазилатларини халқдан яшира олмаган. Қадимги Римда баъзи ҳукмдорлар буюк ишлари билан машҳур бўлган бўлса, бошқалар конхўрлиги ва ноҳақликлари билан тарихда ёмон ном қолдиришган.

Калигула

Калигула, ҳақиқий исми Гай Цезарь бўлган Рим императори, ўзининг 29 йиллик қиска ҳаётида инсониятнинг энг конхўр ва бузук ҳукмдорларидан бири сифатида тарихда қолган. У "Калигула" лакабини болалигида легионерлар оёқ кийимларини кийишни яхши кўргани учун олган.

Унинг ҳукмронлиги зулм ва бузуклик билан тўлган эди. У яқин қариндошлари билан жинсий алоқада бўлганлиги, одамларни шунчаки қийноққа солишни ёқтирганлиги билан танилган. Масалан, озик-овқат нархлари ошиб кетганида, маҳбусларни ёввойи ҳайвонларга ем қилишга буюрган. Калигула ўз қурбонларини ёқиб юбориш, тана қисмларини кесиш ёки бошқа турли қийноқлар билан ўлдиришга буюрарди. Унинг ҳукмронлиги барбод бўлиб, у преториан когортанинг трибуни томонидан ўлдирилди.

Нерон

Нерон Клавдий Цезарь Август Германик исми билан танилган. Болаликдан мусика ва шеърятга иштиёки бўлган, аммо харбий ишларга кизикмаган. Нерон ўз онаси Агриппина билан мутлако гайритабиий муносабатларда бўлган ва унинг такдирини хал килган. Поппея исмли хотинининг таъсирида, у ўз онасини ўлдирди ва хотини билан конли ва бузук оргиялар уюштирди.

Нероннинг хукмронлиги нафакат бузуклик билан, балки насронийларни таъкиб килиш билан ҳам эсда колган. Унинг хукмронлиги таназзулга юз тутган ва у ўзини ўзи ўлдириш билан хаётини яқунлаган.

Гелиогабал

Марк Аврелий Антонин Гелиогабал номи билан танилган император династиясидаги энг бузук шахслардан бири эди. У 14 ёшида император бўлган, аммо унинг шахсий хаёти чексиз бузуклик ва зулм билан тўлган эди. У ўзининг амурий саргузаштлари билан фахрланар ва ўз каноатлантирувчиларига давлат лавозимларини такдим этар эди. Гелиогабалнинг энг конли ва жирканч ишларидан бири инсон қурбонликларини ўтказиши бўлган. У ўзига ёккан ёш йигитларни қурбон килиб, уларнинг ички органларини ўрганишни ўзича маросимга айлантирган. Бу унинг обрўсини тубанликка олиб келди, ва натижада халк сабр-токатни йўқотиб, уни ва оиласини ўлдирди. Унинг жасади шахар бўйлаб судраб чиқилган ва Тибр дарёсига ташланган.

Хулоса

Бу хукмдорлардан бири ҳам ҳокимиятни адолатли бошқариш ва халқ хотирасида яхши ном колдириш учун ҳаракат қилмаган. Чексиз ҳокимият уларнинг аклини заифлаштириб, уларнинг бузук ва қонхўрликларини ошқор қилди. Улар тарихда фақатгина сабоқ сифатида эслаб қолишади.

Абу Муслим